

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига энг кўп тушаётган мурожаатлардаги саволлар.

№	Аҳоли мурожаатларида энг кўп берилаётган саволлар	Намунавий жавоблар
1.	Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига имтиёзли йўлланма берилишини сўраган.	Республика тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилган агар фуқаро шу тоифага кирса яшаш манзилидаги оилавий поликлиникага даволловчи врачига учрашиб ярилган электрон тизим орқали рўйхатдан ўтиб навбат асосида йўлланма олади.
2.	Вилоят тиббиёт муассасаларига имтиёзли даволаниш учун ордер сўраган.	Бемор даволаниш учун кишлоқ врачлик пунктлари, кишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникалари томонидан — тиббиёт бирлашмаларининг тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникаларига йўлланма берилади. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича диспансер рўйхатида турган миждозларга йўлланмалар тўғридан-тўғри касаллик ихтисослиги бўйича тегишли вилоят тиббиёт ташкилотларига берилиши мумкин; тиббиёт бирлашмаларининг тегишли марказий кўп тармоқли поликлиникалари томонидан — тиббиёт бирлашмаларининг тегишли стационар бўлинмаларига ёки вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотларига; вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан — республика даражасидаги тегишли тиббиёт ташкилотларига йўлланма берилади.
3.	Электрон ордер олиш тартиби ва электрон навбати хақида маълумот сўраган.	Бемор оилавий шифохонага келгандаёқ рўйхатга олинади, шу захоти туман тиббиёт бирлашмасида киритилган маълумотлар кўриб чиқилади ҳамда ихтисосланган вилоят муассасасига узатилади. Бунда беморни нечанчи навбатда эканлиги ва касалхонага ётиш муддатлари мобил телефонига СМС орқали хабар бериб борилади.
4.	Бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби.	Аҳолининг барча қатлами туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларига қаршли шифохоналарда даволаш ва парваришлаш бепул амалга оширилади.  Аҳолининг барча қатлами биринчи тиббий ёрдам бепул амалга оширилади.  Бемор поликлиниканинг йўлланмаси бўйича шифохона ёки клиникага ётқизилганда даволаш ва парваришлаш бепул амалга оширилади.

		Зарурат бўлганда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари мижозларнинг имтиёзли тоифасини бепул тиббий ёрдам олиш учун ўзининг идоравий мансуб тиббиёт муассасаларига йўналтириши мумкин.
5.	Даволанишга моддий ёрдам ажратишни сўраган.	Оилавий поликлиника ва туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббиёт муассасаларида даволаниш бепул. Моддий ёрдам ажратиш масаласи “Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом талаби асосида маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан амалга оширилади. ССВ давлат бюджетидан молиялаштирилиши ва ажиратилаётган маблағларда даволаниш учун моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланмаганлиги сабабли ажратиш имкони йўқ.
6.	Махсус имтиёзга эга бўлмаган шахсларни Республика ва вилоят марказларида даволаниш тартиби қандай.	Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида махсус имтиёзга эга бўлмаган шахсларни томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда даволанишади.
7.	Ногиронлик гуруҳини белгилашда қандай ҳужжатлар талаб этилади.	0,86 шакл касаллик тарихидан кўчирмалар меҳнатга лаёқатсизлик варақаси керак бўлади. Ушбу ҳужжатлар Оилавий поликлиникаси гомонидан тайёрлаб берилади.
8.	Ногиронлик гуруҳини қим белгилайди.	Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.
9.	Соғлиқни сақлаш муассасалари хусусан оилавий поликлиникаларда аҳолини дори-дармон ва тиббий буюмлар билан таъминлаш қай тартибда амалга оширилади.	Бугунги кунда, Оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда 66 турдаги дори ва антисептик воситалари даволаш учун бепул ишлатилади.
10.	Ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланиш тартибини сўраган.	Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ваолатида.
11.	Соғлиқни сақлаш тизимидаги сихатгоҳларга йўлланма ажратилишини сўраган.	Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ваолатида. Фақат Сил касалигига қарши санаторияга туман сил касалликлари диспанслари гомонидан берилади.
12.	Чет давлатларда даволанишда, моддий қўллаб-қувватлашда СВ қандай ёрдам кўрсатади.	Моддий ёрдам кўрсатиш ССВ ваолатига қирмайди. Моддий ёрдам олиш учун Маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ва жамоат фондларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.